

Бухоро ш.

«Бухоро Дори Дармон» МЧЖ кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади. Ўзининг низоми асосида иш юритувчи раҳбари Аҳадов Д.Б. Вилоят Перинатал маркази кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилади. Ўзининг низоми асосида иш юритувчи Директор Н Р Бахронова номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МОХИЯТИ.

1.1. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни талабномаси асосида мазкур шартномага илова қилинган спецификацияга асосан дори-дармон ва тиббиёт махсулотлари билан таъминлаш, «Истеъмолчи» олган махсулот қийматини «Таъминотчи»нинг банкидаги тегишли ҳисоб-рақамга келишилган муддатда ўтказиб беришни ўз зиммасига олади.

1.2. Шартноманинг тузилган вақтидаги умумий суммаси; 646 072-82 (Олти юз қирк олти минг етмиш икки сумм 82 тий.) Қушимча қийматсиз ташкил этади. Етказиб берилган дори-дармонлар ва тиббий воситалар бўйича ҳисоб-китоблар мазкур шартноманинг графика асосида бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида, 2022 йилги харажатлар сметасидаги лимитлардан ошмаган ҳолда тўланади.

№	Номланиши	Ул.бир	сони	нархи	сумма
1	Пергидрол	кг	37	17461,42	646 072-34
	Жами:				646 072-51

жами ; 646 072-82 (Олти юз қирк олти минг етмиш икки сумм 82 тий.) Қушимча қийматсиз.

2. МАХСУЛОТ СИФАТИ.

2.1. «Истеъмолчи»га ЎЗРда фармакологик рўйхатдан ўтган, тиббиётда ишлатишга рухсат этилган, сифат, маркировка ва ўрамлари фармацевтик ва техник талабларига жавоб берадиган ҳамда сифат сертификатига эга бўлган, ишлатиш муддати 50% дан кам бўлмаган дори-дармонлар ва тиббий махсулотлар етказиб берилади. Қушимча қийматсиз (без НДС)

3. МАХСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ.

- 3.1. Шартномага илова қилинадиган дори-дармон воситаларини етказиб бериш 2022 йил «31» декабргача амалга оширилади.
- 3.2. Махсулотлар «Истеъмолчи»га ўзаро келишилган транспорт воситаларида тўлов талабномалари ва бошқа ҳужжатлар билан қўшиб жўнатилади. Юкни жўнатиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар «Таъминотчи» нинг зиммасига юклатилади.
- 3.3. Гиёҳванд, прекурсорлар, захарли ва психотроп дори-дармонлар «Истеъмолчи» томонидан тегишли ҳуқуқий органлар томонидан махсус рухсатномалар билан «Таъминотчи» «Истеъмолчи»нинг омборхонасидан олиб кет илади.

4. ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ШАРТЛАРИ.

- 4.1. Ушбу шартноманинг умумий Жами йиллик: 646 072-82 (Олти юз қирк олти минг етмиш икки сумм 82 тий.) Қушимча қийматсиз
- 4.2. Юкорида кўрсатилган суммадан шартнома умумий сумманинг тулов жадвал буйича таксимланган ойлик суммасининг 30 % микдорида олдиндан 2022 йил юкоридаги жадвалда кўрсатилган ойларда, яқуний тўловнинг 70% микдори ҳисоб-фактура такдим қилингандан сўнг 30 кун мобайнида амалга оширилади.
- 4.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 30 фоиз микдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган
- 4.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул қўчириш йўли билан амалга оширилади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ МҮЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

- 5.1. Томонлар ушбу шартномани қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун мулкый жавобгардирлар.
- 5.2. Шартноманинг 4.1. бандига асосан «Истеъмолчи» махсулотнинг тўланмаган қийматини бир ойдан кечиктириб тўлашга йўл қўйса, кечиктириб тўланаётган суммадан ҳар бир кун учун 0,05% «Таъминотчи»ни фойдасига пеня тўлайди. Лекин пеня қиймати тўлов суммасининг 20% дан ортик бўлмаслиги керак.
- 5.3. Шартноманинг 2.1. бандига асосан «Таъминотчи» томонидан сотилган махсулот сифатсизлиги тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланса, у ҳолда «Таъминотчи» сифатсиз махсулотни сифатли махсулот билан алмаштириб беради ва бу билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олади.
- 5.4. «Таъминотчи» ўз вақтида буюртмада кўрсатилган махсулотни омборидан «Истеъмолчи»га ўз етказиб бермаси, агар бу томонларнинг келишувига асосан кўзда тутилган бўлса, «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га махсулотни кечиктириб етказганидан ҳар бир кун учун махсулотнинг умумий қийматининг 10% микдорида жарима тўлайди.
- 5.5. «Таъминотчи»нинг ҳисоб-китоб фактурасида махсулот солинган куттилар (тара)ни қайтарилиши қайд этилган бўлса, куттилар 3 кун ичида қайтарилиши керак. Акс ҳолда куттилар қийматидан қўйидагича жарима солинади: 30 кундан кечиктирилса 10%, 40 ва ундан ортик кун учун 20%.

6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви хал қилинади.

Ушбу шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар тарафларнинг келишувига биноан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, жавобгар жойлашган ҳудуднинг иқтисодий суди орқали хал қилинади.

3. Ушбу шартномада назарда тутилмаган бошқа барча масалаларни тарафлар ЎзР Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга амал қилган ҳолда тартибга келтирилади.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «31» декабр гача амалда бўлади.

7.2. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёзма равишда тарафлар томонидан тасдиқлангандан кейингина ҳақиқий деб ҳисобланади.

7.3. Моддаларни кўрсатувчи сўз боши шартнома матнини ишлатишда қулайлик яратиш учун қўйилган ва булар шартномани бошқача талқин қилишга асос бўлмайди.

7.4. Ушбу шартнома тарафларнинг барча шартларини ақс эттирган.

7.5. Ушбу шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган икки нусхада тузилган.

8. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ ҚУЧГА ҚИРИШИ

8.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси «Бюджет кодекси» нинг 122- моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда газначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин қучга қириши назарда тутилган

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Таъминотчи»

Бухоро Дори Дормон М Ч Ж

Манзил: Бухоро шаҳри Шайхул Олам қучаси 40

Тел./факс 225 -36-15

Х/в 20208000900405018001

Банк номи Миллий банк Бухоро шаҳри

МФО 00084

ОКОНХ 71212

СТИР 200851700

«Буюртмачи»

Вилоят Перинатал маркази

Манзил: Намозгоҳ 2 уй Бухоро шаҳри

Тел./факс 221 26 06, 221 28 08

401421860064017073310054001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 201977258

ОКОНХ_91516


Газначилик бўлинмаси номи: Бухоро вилояти бўйича Газначилик бошқармаси

Газна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси ҳисоб китоб касса маркази

МФО: 00014

Газначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919

Рахбар  Ахадов Д

Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш.): 



Директор

Н Р Бахронова 